



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 29 » декабрь

№ПК-422

### **Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

#### **1. Қуйидагилар:**

2024 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган **бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 1-иловага мувофиқ;**

2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари **айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 2-иловага мувофиқ;**

2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси **Давлат бюджети даромадлари прогнози 3-иловага мувофиқ;**

2024 йилда фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати **4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**2. Қуйидаги солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида қуйидаги миқдорларда қолдирилсин:**

**жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлиқ ҳажмда;**

foyda soliғи **тўлиқ ҳажмда** (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно);

қўшилган қиймат солиғи бўйича Қорақалпоғистон Республикасида даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмининг **100 фоизи**, қолган ҳудудларда эса **60 фоизи** (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно).

Бунда солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган фойда ва қўшилган қиймат солиқлари бундан мустасно) ҳудудлар кесимида инобатга олинади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида **ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш** ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, 2023 йил IV чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ўтказиш 2024 йил январь ойида амалга оширилади ва 2023 йилги ҳисоботларда акс эттирилади.

**3.** Белгилаб қўйилсинки, 2024 йилда ижтимоий солиқ тушумлари бўйича 2023 йилда амал қилган **тақсимлаш меъёрлари** сақлаб қолинади.

**4.** 2024 йил учун қуйидаги солиқ ставкалари:

а) “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ учун рентабеллик даражасидан келиб чиққан ҳолда **foyda soliғи бўйича** 5-иловага мувофиқ;

б) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича қуйидаги миқдорларда:

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ учун олтин бўйича – **10 фоиз** ва палладий, кумуш, мис бўйича – **15 фоиз**;

“Навоийуран” ДК учун уран бўйича – **16 фоиз**;

“Ўзбекнефтгаз” АЖ учун нефть, табиий газ ва газ конденсати бўйича – **15 фоиз**;

в) олтидан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим **1 граммга 1 000 сўм миқдорида** тасдиқлансин.

Бунда, мазкур банднинг “б” кичик банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган солиқ ставкалари барча лицензияланган ер қаъри участкаларига нисбатан қўлланилади.

**5.** Белгилансинки, 2024 йилда уй-жой фондининг кўчмас мулк объектларига, шунингдек, улар эгаллаб турган ер участкаларига нисбатан:

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси, 2023 йил учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан** ошмаслиги;

жисмоний шахслардан ундириладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи суммаси 2023 йилда ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан** ошмаслиги лозим.

**6.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2024 йил 1 апрелга қадар “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти, Солиқ қўмитаси ва Статистика агентлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ерларига эга бўлган барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан деҳқон хўжаликларига ер солиғини ҳисоблаш учун ушбу ерларнинг норматив қиймати тўғрисидаги маълумотларни етказсин.

**7.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитаси 2024 йил 1 январдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига мажбурий йиғимлар, божлар ва жарималар ҳисобидан келиб тушган маблағларнинг ҳамда мазкур жамғармаларнинг бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган даромадларнинг **40 фоизини** Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида автоматик тарзда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказсин.

**8.** Белгилансинки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва идоралари томонидан ундириладиган айрим турдаги давлат божлари, мажбурий йиғимлар, тўловлар, жарималар ва ажратмалар б-иловага мувофиқ тақсимланади.



Вазирликлар ва идоралар **бир ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**9.** Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2024–2026 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ **мақсадли индикаторлари** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

вазирликлар ва идоралар раҳбарлари бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва мақсадли индикаторларнинг тўлиқ бажарилиши учун **шахсан масъул ҳисобланади**;

вазирликлар ва идоралар мақсадли индикаторларнинг **ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни** ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг йигирманчи санасига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади ҳамда йигирма бешинчи санасига қадар ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириб боради;

ҳар чорак якуни бўйича ҳар бир вазирлик ва идоранинг мақсадли индикатор кўрсаткичлари бажарилиши Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида тизимли ва танқидий таҳлил қилинади. Бунда, вазирликлар ва идораларнинг мақсадли индикатор кўрсаткичлари бажарилишида сўткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўйган тегишли вазирлик ва идора раҳбарларига таъсирчан чоралар кўрилади;

тасдиқланган бюджет параметрларига ўзгартириш киритилган тақдирда вазирликлар ва идоралар мақсадли индикатор кўрсаткичларини маблағларнинг аниқлаштирилган миқдорига мутаносиб равишда ўзгартиради ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

**10.** Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Қонунчилик палатасига тақдим этиладиган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот турларини кенгайтириш;

б) Қонунчилик палатаси қўмиталарида:

ҳар олти ойда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари бажарилиши юзасидан вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини;



ҳар чорак якунида Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг Давлат бюджети даромадлари прогнози бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш;

в) Ҳисоб палатаси томонидан ҳисобот йили якуни бўйича биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари бажарилишини аудитдан ўтказиш.

#### **11. Белгилаб қўйилсинки:**

аввал қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ҳукумат топшириқларига асосан айрим харажатларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилаш амалиёти (жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган қисми бундан мустасно) бекор қилинади;

жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкый зарарларни компенсация қилиш бўйича ҳудудий мақсадли жамғармалар ҳисобидан тўланиши белгиланган компенсация тўловларидан қарздорлик ёки (ва) маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети олдида бюджет ссудалари бўйича муддати ўтган қарздорлик қопланмасдан тегишли маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари маблағларини бошқа мақсадларга йўналтириш тақиқланади.

**12.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг республика мулкида бўлган устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, жумладан тижорат банкларининг (маҳаллий ҳокимият органлари муассислигидаги жамиятлардан ташқари) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш бўйича масалаларни кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишига киритиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган тартибни республика мулкида бўлган устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, жумладан тижорат банкларининг (маҳаллий ҳокимият органлари муассислигидаги жамиятлардан ташқари) уставига киритиш чораларини кўрсин.

**13.** Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта муддатда** 2024 йил учун бюджет сиёсати концепциясида белгиланган йўналишлар ижросини таъминлаш, шунингдек, қўшимча даромад манбаларини аниқлаш, харажатлар самарадорлигини ошириш ҳамда бюджет интизомига риоя қилиш юзасидан “Йўл харитаси”ни тасдиқласин.

**14.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 8-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**16.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 9-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**17.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**18.** Белгилансинки, ушбу қарор 2024 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри



**2024 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга  
ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари**

млн сўм

Т/р	Бюджет маблағлари тақсимловчиларининг номи	Сумма
<b>1.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги</b>	<b>1 822 859,2</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
2.1.	Ўзбекистон Футбол федерацияси	31 050,3
2.2.	Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси	250 000,0
2.3.	Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси	41 000,0
<b>2.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси</b>	<b>2 027 346,8</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
2.1.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи	4 484,3
2.2.	“Нурлы жол” ва “Овози тожик” газеталари таҳририятлари	4 143,3
2.3.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази	17 829,1
2.4.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази	12 066,6
2.5.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси	5 000,0
2.6.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази	2 977,0
<b>3.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси</b>	<b>1 599 699,2</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
3.1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси	32 069,8
3.2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси	33 745,9



Т/р	Бюджет маблағлари тақсимловчиларининг номи	Сумма
3.3.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти	45 371,8
3.4.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги	208 836,0
3.5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази	33 345,6
3.6.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси	181 502,4
3.7.	Ўзбекистон Республикаси Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази	34 900,0
4.	<b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси</b>	<b>175 877,0</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
4.1.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти	12 888,0
5.	<b>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси</b>	<b>2 112 243,3</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
5.1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси	590 987,0
	<i>шундан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар</i>	67 662,0
5.2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти	266 487,6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 29 декабрдаги ПҚ-422-сон қарорига  
2-илова

**2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети,  
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри  
маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган  
энг кам миқдорлари**

млн сўм

<b>Бюджетлар номи</b>	<b>Айланма касса маблағлари</b>
Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	2 000 000,0
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети	31 000,0
Андижон вилоятининг маҳаллий бюджети	24 000,0
Бухоро вилоятининг маҳаллий бюджети	27 000,0
Жиззах вилоятининг маҳаллий бюджети	14 500,0
Қашқадарё вилоятининг маҳаллий бюджети	25 000,0
Навоий вилоятининг маҳаллий бюджети	13 500,0
Наманган вилоятининг маҳаллий бюджети	21 500,0
Самарқанд вилоятининг маҳаллий бюджети	40 000,0
Сурхондарё вилоятининг маҳаллий бюджети	19 000,0
Сирдарё вилоятининг маҳаллий бюджети	13 000,0
Тошкент вилоятининг маҳаллий бюджети	35 500,0
Фарғона вилоятининг маҳаллий бюджети	30 000,0
Хоразм вилоятининг маҳаллий бюджети	19 500,0
Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджети	38 000,0

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 29 декабрдаги ПҚ–422-сон қарорига  
3-илова

**2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари  
прогнози**

млрд сўм

<b>Т/р</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сумма</b>
	<b>Жами даромадлар</b>	<b>270 703,1</b>
<b>1.</b>	<b>Бевосита солиқлар</b>	<b>85 610,9</b>
1.1	Фойда солиғи	44 282,7
	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти</i>	<i>13 803,4</i>
	<i>“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти</i>	<i>4 473,0</i>
1.2	Айланмадан олинадиган солиқ	2 851,1
1.3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	38 477,0
<b>2.</b>	<b>Билвосита солиқлар</b>	<b>111 654,5</b>
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	74 045,7
2.2	Акциз солиғи	22 769,2
2.3	Божхона божи	14 839,6
<b>3.</b>	<b>Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи</b>	<b>31 831,3</b>
3.1	Мол-мулк солиғи	6 715,0
3.2	Ер солиғи	7 171,1
3.3	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	16 684,2
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 261,1
<b>4.</b>	<b>Дивидендлар</b>	<b>23 755,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти</i>	<i>11 797,5</i>
	<i>“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти</i>	<i>6 787,6</i>
<b>5.</b>	<b>Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар</b>	<b>17 851,4</b>



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 29 декабрдаги ПҚ–422-сон қарорига  
4-илова

**Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикасининг республика  
бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Солиқ тўловчиларнинг номи</b>	<b>Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)</b>
1.	“Andijon gidroelektrstansiya” УК	200248365
2.	“Angren issiqlik elektr stansiyasi” АЖ	200595949
3.	“Asia trans gas” МЧЖ	206948470
4.	“Baraka holding” МЧЖ	305162024
5.	“Bekobodsement” АЖ	200459808
6.	“Buxoro neftni qayta ishlash zavodi” МЧЖ	202080378
7.	“Chirchiq gidroelektrstansiyalar kaskadi” УК	200942018
8.	“Chirchiq transformator zavodi” АЖ	200941525
9.	“Coca-cola ichimligi Uzbekiston, Ltd” МЧЖ	200798458
10.	“Coscom” МЧЖ	201788904
11.	“Epsilon development company” МЧЖ	305922787
12.	“Farg’ona neftni qayta ishlash zavodi” МЧЖ	200202099
13.	“Farg’onaazot” АЖ	200202240
14.	“Farhod GES” УК	202256591
15.	“Gissarneftgaz” МЧЖ	205678302
16.	“Hisorak gidroelektrstansiya” УК	206976058
17.	“International beverages Tashkent” МЧЖ	301975029
18.	“Islom Karimov nomidagi Toshkent xalqaro aeroporti” МЧЖ	200640719
19.	“Issiqlik elektr stansiyalari” АЖ	306349304
20.	“Ketring” МЧЖ	201676062
21.	“Ko’kdumaloqgaz” МЧЖ	205222807
22.	“Maksam-Chirchiq” АЖ	200941518
23.	“Petromaruz Uzbekistan” МЧЖ	204917978
24.	“Natural gas-stream” МЧЖ	207245357
25.	“Navoiy issiqlik elektr stansiyasi” АЖ	310622519
26.	“Navoiy kon-metallurgiya kombinati” АЖ	308425864

T/p	Солиқ тўловчиларнинг номи	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)
27.	“Navoiyuran” ДК	201204514
28.	“Navoiy xalqaro aeroporti” МЧЖ	200003243
29.	“Navoiyazot” АЖ	200002933
30.	“O‘ztemiryo‘lkonteyner” АЖ	203607858
31.	“Ohangaronsement” АЖ	200463344
32.	“Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” АЖ	202328794
33.	“O‘zaeronavigatsiya” markazi” ДУК	201052000
34.	“O‘zavtosanoat” АЖ	201053918
35.	“Katta Farg‘ona kanalidagi kichik gidroelektrostansiyalar kaskadi” УК	305909492
36.	“O‘rta Chirchiq gidroelektrostansiyalari kaskadi” УК	200439436
37.	“Ohangaron gidroelektrostansiya” УК	301266689
38.	“Tuyamo‘yin gidroelektrostansiyasi” УК	200209151
39.	“Qodiriya gidroelektrostansiyalar kaskadi” УК	200605332
40.	“O‘zbekgidroenergo” АЖ	304952767
41.	“O‘zbekiston metallurgiya kombinati” АЖ	200460222
42.	“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” АЖ	306347741
43.	“O‘zbekiston Respublikasi tovar-xomashyo birjasi” АЖ	200933985
44.	“O‘zbekiston temir yo‘llari” АЖ	201051951
45.	“O‘zbekneftgaz” АЖ	200837914
46.	“O‘zbektelekom” АЖ	203366731
47.	“O‘zelektroapparat-electroshield” АЖ	201052167
48.	“O‘ztransgaz” АЖ	200626188
49.	“Qizilqumsement” АЖ	200002878
50.	“Quvasoycement” АЖ	200124805
51.	“Quy-bo‘zsuv gidroelektrostansiyalar kaskadi” УК	200588275
52.	“Rubicon wireless communication” МЧЖ	201501439
53.	“Samarqand avtomobil zavodi” МЧЖ ҚК	202137344
54.	“Samarqand gidroelektrostansiyalari kaskadi” УК	205240509
55.	“Samarqand xalqaro aeroporti” МЧЖ	200791776
56.	“Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi” МЧЖ	203195074
57.	“Taxiatosh issiqlik elektr stansiyasi” АЖ	310624602
58.	“Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ	201284979
59.	“Tashkent tobacco” МЧЖ	205442074

T/p	Солиқ тўловчиларнинг номи	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)
60.	"То'паланг гидроэлектростанция" УК	206695638
61.	"Toshkent gidroelektrstansiyalari kaskadi" УК	200796373
62.	"Toshkent issiqlik elektr stansiya" АЖ	310624412
63.	"Toshkentvino kombinati" АЖ	200547634
64.	"Unitel" МЧЖ	201838002
65.	"Universal mobile systems" МЧЖ	303020732
66.	"Uzauto motors" АЖ	200244767
67.	"Uzauto trailer" МЧЖ	302320834
68.	"Uzbat" АЖ	200987017
69.	"Uz truck and bus motors" МЧЖ	301305243
70.	"Uzbekistan airways" АЖ	306628114
71.	"Uzbekistan airways technics" МЧЖ	200640797
72.	"Uzbekistan GTL" МЧЖ	207041936
73.	"VL Galperin nomidagi Toshkent truba zavodi" МЧЖ	200897524
74.	"Yangi Angren issiqlik elektr stansiyasi" АЖ	200595838
75.	"Sanoat energetika guruhi" МЧЖ ХК	304936120
76.	"Hududgazta'minot" АЖ	306605769
77.	"Uzgastrade" МЧЖ	309702449
78.	"Uzbekistan airports" АЖ	306646884
79.	"O'ztransgaz АЖнинг Urganchtransgaz" УК	200407848
80.	"Hududiy elektr tarmoqlari" АЖ	306350099
	35 та тижорат банклари	

*Изоҳ: рўйхатда қайд этилган корхоналар бошқа корхоналар таркибига кирганда ва бошқа корхона билан бирлашганда ёки қайта ташкил этилган ҳолатларда ушбу рўйхатга тўғридан-тўғри киритилади.*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 29 декабрдаги ПҚ–422-сон қарорига  
5-илова

**“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Олмалиқ кон-металлургия  
комбинати” АЖ учун фойда солиғи ставкалари**

<b>Т/р</b>	<b>Солиқ солиш объекти</b>	<b>Солиқ ставкаси, фоизда</b>
1.	Солиқ солиш базасининг, товар (хизмат) реализация қилишдан тушган тушумнинг 15 фоизига тенг миқдордаги қисмига	15
2.	Солиқ солиш базасининг қолган қисмига	50

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 29 декабрдаги ПҚ–422- сон қарорига  
6-илова

**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва идоралари томонидан ундириладиган айрим турдаги давлат  
божлари, мажбурий йиғимлар, тўловлар, жарималар ва ажратмалар  
ТАҚСИМОТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Фоиз</b>	<b>Маблағ йўналтирилиши</b>	<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*</b>
<b>1.</b>	<b>Ер қаъридан фойдаланиш соҳасида белгиланган талабларни бузганлик учун ундириладиган жарималар</b>		<b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4078-сон қарори</b>
а.	50 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	
б.	50 фоизи	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ривожлантириш жамғармаси	
<b>2.</b>	<b>Ташқи реклама объектини ўрнатишга бўлган ҳуқуқ учун ойлик йиғимлардан тушадиган маблағлар</b>		<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 31 августдаги 428-сон қарори</b>
2.1.	Ташқи реклама объектини ўрнатишга бўлган ҳуқуқ учун ойлик йиғимлардан тушадиган маблағлар бўйича:		
	Тошкент шаҳрида:		
а.	40 фоизи	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига	
б.	20 фоизи	Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаментининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварағига	
в.	10 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига, шундан жами йиғим суммасининг 5 фоизи — унинг ҳузуридаги «Рақамли трансформация ва аутсорсинг маркази» давлат унитар корхонасига	

Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
г.	10 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига	
д.	20 фоизи	Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармасига	
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда:			
а.	75 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар маҳаллий бюджетига, шундан жами йиғим суммасининг 10 фоизи — Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига	
б.	15 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига, шундан жами йиғим суммасининг 5 фоизи — унинг ҳузуридаги «Рақамли трансформация ва аутсорсинг маркази» давлат унитар корхонасига	
в.	10 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига	
Автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларида жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида:			
а.	30 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига, шундан жами йиғим суммасининг 10 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига ҳамда 5 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари махсус жамғармаларига	
б.	5 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига	



Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
в.	60 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасини ривожлантириш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига	
г.	5 фоизи	Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаментининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварағига	
2.2.		Транспорт воситаларида жойлаштириладиган ташқи рекламадан тушадиган маблағлар (йўналишлардаги автобуслар бундан мустасно) бўйича:	
а.	65 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига, шундан жами йиғим суммасининг 10 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига ҳамда 5 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари махсус жамғармаларига	
б.	25 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига	
в.	5 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига	
г.	5 фоизи	Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаментининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварағига	
3.		<b>Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловлар</b>	
а.	14 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	35 фоизи	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағи	

Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
в.	1 фоизи**	Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармаси	
г.	2 фоизи**	Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармаси– ахборот-ресурс маркази	
д.	қолган қисми	Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси (ахборотлаштириш ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш учун мақсадли фойдаланиш шарти билан)	
4.	<b>Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг идоравий мансуб ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ихтисослашган пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган тушумларнинг уларни амалга оширишга кетган жами харажатлар қоплангандан кейин қоладиган суммаси</b>		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги ПҚ–4790-сон қарори
а.	5 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	
б.	10 фоизи	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси махсус жамғармаси	
в.	85 фоизи	Тегишли идоравий мансуб ташкилотлар	
5.	<b>Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимнинг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига ўтказиладиган қисми (10 фоиз)</b>		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ–4819-сон қарори
а.	50 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	
б.	50 фоизи	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси	

Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
6.	<b>Суғориладиган ерлар, лалми ерлар, суғориладиган ва лалми бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўлови</b>		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4819-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори
а.	95 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	5 фоизи	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси	
7.	<b>Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилганлиги учун молиявий ва маъмурий жарималар</b>		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПҚ-5133-сон қарори
а.	50 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	
б.	50 фоизи	Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг махсус жамғармаси	
8.	<b>Кўчма савдо жойи (хусусий мулкдорларга тегишли жойлардан ташқари) кўчма савдо объектларининг жойлашиш схемалари бўйича “K-SAVDO” ААТ орқали электрон аукцион орқали сотишдан келиб тушадиган пул маблағлари</b>		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги ПҚ-5136-сон қарори
а.	90 фоизи	Тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари	
б.	10 фоизи	Солиқ қўмитасининг махсус ҳисоб рақами	
9.	<b>Атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари</b>		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ-171-сон қарори
а.	40 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	60 фоизи	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси	

Т/р	Фоиш	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
<b>10.</b>	<b>Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик бузилишида айбдор бўлган жисмоний ва юридик шахслардан маъмурий ва суд тартибида ундириладиган жарималар ва пул маблағлари</b>		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ-171-сон қарори
а.	13 фоиши	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	
б.	87 фоиши	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси	
<b>11.</b>	<b>Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ қонун бузилишлари учун ундириладиган жарималар ва пул маблағлари</b>		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ-171-сон қарори
а.	13 фоиши	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	
б.	87 фоиши	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси	
<b>12.</b>	<b>Мусодара қилинган ов ва балиқ овлаш қуроллари, ноқонуний ов қилиш ва балиқ овлаш натижасида олиб қўйилган маҳсулотлар ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланишдан олинган маҳсулотлар учун ундириладиган жарималар ва пул маблағлари</b>		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ-171-сон қарори
а.	13 фоиши	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	
б.	87 фоиши	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси	
<b>13.</b>	<b>Ёввойи ҳайвонларни овлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан олиш учун руҳсатнома учун тўловлар</b>		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ-171-сон қарори
а.	40 фоиши	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	60 фоиши	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси	



Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
<b>14.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг кирганлиги ва транзит ўтиши учун йиғим</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори
а.	75 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	25 фоизи	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси	
<b>15.</b>	<b>Тегишли рухсатномасиз оғир вазнли, йирик габаритли, хавfli юкларни ташиш ва юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш учун ундириладиган жарималар суммаси</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори
а.	10 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	80 фоизи	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси	
в.	10 фоизи	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси	
<b>16.</b>	<b>Автомобиль ва темир йўл транспортида йўловчилар ва юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни олиш учун берилган аризалар кўриб чиқилганлиги, шунингдек, автомобилда йўловчилар ва юкни халқаро ташишни амалга ошириш учун рухсатномалар бланкалари берилганлиги учун йиғимлар</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори
а.	40 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	60 фоизи	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси	
<b>17.</b>	<b>“Ўзбекистон миллий метрология институти” Давлат муассасасининг ялпи фойдасидан ажратма</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарори
а.	5 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	15 фоизи	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг махсус жамғармаси	

Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
в.	80 фоизи	“Ўзбекистон миллий метрология институти” Давлат муассасаси	
<b>18.</b>		<b>Солиқ органлари томонидан ўтказилган камерал солиқ текшируви натижасида қўшимча ундирилган сўммалар бўйича пенялар ҳамда солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган молиявий жазо чоралари, тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланиладиган жарималар***</b>	
а.	80 фоизи	Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси томонидан ундирилганда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига; бошқа солиқ идоралари томонидан ундирилганда, тегишли равишда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори
б.	20 фоизи	Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси	
<b>19.</b>		<b>Солиқ хизмати органлари томонидан тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланиладиган жарималар сўммаси</b>	
а.	80 фоизи	Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси томонидан ундирилганда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига; бошқа солиқ идоралари томонидан ундирилганда, тегишли равишда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 811-сон қарори
б.	20 фоизи	Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси	
<b>20.</b>		<b>Кўрсатилган хизматлар учун божхона йиғимлари ва тўловлар шаклидаги түшүмлар</b>	
а.	75 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги
б.	3 фоизи	Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси	

Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
в.	22 фоизи	Божхона қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси	62-сон қарори
<b>21.</b>	<b>Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини «E-auction» электрон савдо платформасида реализация қилишдан олинadиган пул маблағлари</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 мартдаги 133-сон қарори
а.	30 фоизи	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармаси ****	
б.	70 фоизи	Тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари	
<b>22.</b>	<b>Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома муддатини узайтиришдан олинadиган тўлов суммаси</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 мартдаги 133-сон қарори
а.	30 фоизи	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармаси	
б.	70 фоизи	Тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари	
<b>23.</b>	<b>Саноат ва энергетика ташкилотларига техник сўв етказиб бериш хизматидан келиб тушадиган маблағлар</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 декабрдаги 1008-сон қарори
а.	30 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	60 фоизи	Сўв хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сўв хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	
в.	10 фоизи	Тегишли сўв хўжалиги ташкилотлари	
<b>24.</b>	<b>Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тизимидаги сертификатлаштириш органига маҳсулоти сертификатлаштирилган импорт қилувчи ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан келиб тушаётган мувофиқ белгисидан фойдаланганлик учун бир марталик тўлов</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 апрелдаги 348-сон қарори
а.	45 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	

Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
б.	45 фоизи	Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг махсус жамғармаси	
в.	10 фоизи	Сертификатлаштириш органи	
25.		<b>Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тизимидаги “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат корхонаси томонидан ҳар чорак якуни бўйича аккредитация белгиси қўлланганлик учун тушадиган маблағлар</b>	
а.	25 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 апрелдаги 348-сон қарори
б.	25 фоизи	Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг махсус жамғармаси	
в.	50 фоизи	“Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат корхонаси	
26.		<b>Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага беришдан тушадиган тушумлар</b>	
а.	30 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 декабрдаги 993-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ–171-сон қарори
б.	70 фоизи	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Экология жамғармаси	
27.		<b>Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича малака сертификатини олиш учун йиғим</b>	
а.	20 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг



Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
б.	68,25 фоизи	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги фаолиятини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига жамғармаси	2022 йил 16 февралдаги 73-сон қарори
в.	11,25 фоизи	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағи	
г.	0,5 фоизи	Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағи	
28.		<b>Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзиюрар машиналар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини техник кўриқдан ўтказиш, давлат рақам белгилари, техник паспортлар ва гувоҳномалар бериш учун йиғимлар</b>	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори
а.	30 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	
б.	70 фоизи	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бюджетдан ташқари жамғармаси	
29.		<b>“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси томонидан кўрсатилган хизматлардан тушадиган тушумлар</b>	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори
а.	9 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	
б.	21 фоизи	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бюджетдан ташқари жамғармаси	
в.	70 фоизи	“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси	
30.		<b>Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасининг ҳамда Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий марказининг хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар</b>	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
а.	40 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги 532-сон қарори
б.	35 фоизи	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси бюджетдан ташқари жамғармаси	
в.	25 фоизи	Тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилотлар	
31.	<b>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан импорт ва транзит карантин рухсатномалари, халқаро, ички ва реэкспорт фитосанитария сертификатлари, транспорт бирлигини очиш ва карантин кўриги далолатномаси расмийлаштирилишидан олинadиган тўловлар</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 311-сон қарори
а.	30 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	70 фоизи	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бюджетдан ташқари жамғармаси	
32.	<b>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан кўрсатилган лаборатория таҳлиллари хизмати учун олинadиган тўловлар</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 311-сон қарори
а.	30 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	70 фоизи	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бюджетдан ташқари жамғармаси	
33.	<b>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан зарарсизлантириш (фумигация) ишлари ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинadиган тўловлар</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 311-сон қарори
а.	30 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	70 фоизи	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бюджетдан ташқари жамғармаси	
34.	<b>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан кимёвий ва биологик ҳимоя воситаларининг биологик самарадорлиги бўйича ўтказилadиган синовлар учун олинadиган тўловлар</b>		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
а.	30 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 311-сон қарори
б.	70 фоизи	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бюджетдан ташқари жамғармаси	
35.		<b>Олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт (шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт) шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларининг мазкур маблағлар бўйича молия йили охирига қолдиқ (тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилган маблағлар ҳам инобатга олинган ҳолда) қисмининг 4 фоизи миқдордаги ажратмалар</b>	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 172-сон қарори
а.	50 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	50 фоизи	Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси	
36.		<b>Давлат активларини сотишдан ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат активларини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотишдан тушадиган тушумлар*****</b>	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сон қарори
а.	92 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	5 фоизи	Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	
в.	3 фоизи	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	
37.		<b>Давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган барча объектлар бўйича қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,2 фоизига тенг ягона миқдордаги ажратмалар</b>	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги ПФ–151-сон Фармони
а.	10 фоизи	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	
б.	5 фоизи	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	
в.	5 фоизи	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бюджетдан ташқари жамғармаси	

Т/р	Фоиш	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
г.	80 фоиши	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий органлари ихтиёрида қолдирилади	
<b>38.</b>	<b>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари томонидан ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозликка оид қонунчилик талабларини бузганлик учун айбдор шахслардан ундириладиган жарималар</b>		
а.	30 фоиши	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги ПФ–151-сон Фармони
б.	70 фоиши	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	
<b>39.</b>	<b>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ва муассислигидаги корхона ва ташкилотлар фаолияти, кўрсатадиган хизматлари ва бажарадиган ишларидан олинadиган фойдаси бўйича ажратмалар</b>		
а.	15 фоиши	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги ПФ–151-сон Фармони
б.	10 фоиши	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	
в.	75 фоиши	Тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилотлар	
<b>40.</b>	<b>Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш бўйича аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғимлар</b>		
а.	20 фоиши	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори
б.	58,25 фоиши	Тегишли лицензияловчи органнинг ҳисобварағи	
в.	10 фоиши	Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси	
г.	11,75 фоиши	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағи	



Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат*
<b>41.</b>	<b>ФХДЁ органлари ҳамда нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божи</b>		
а.	85 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарори
б.	15 фоизи	Бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси	
<b>42.</b>	<b>Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ундириладиган давлат божи</b>		
а.	75 фоизи	Тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон қарори
б.	15 фоизи	Бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси	
в.	10 фоизи	Тегишли нотариуслар ҳисобварағи	
<b>43.</b>	<b>Давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиаллари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловлар суммасининг 18 фоизи миқдоридаги маблағлар</b>		
а.	6 фоизи	Тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПҚ–3430-сон қарори
б.	94 фоизи	Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси	
<b>44.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортлари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари берганлик учун давлат божи</b>		
а.	80 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 6 апрелдаги 104-сон қарори
б.	20 фоизи	Персоналлаштириш агентлиги бюджетдан ташқари жамғармаси	

*\* ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тегишли тақсимотлар мазкур иловада келтирилган тартибда амалга оширилади;*

*\*\* Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига тақсимлангандан сўнг қолган қисмидан ҳисобланади.*

*\*\*\* а) ундирилган солиқ суммалари тўлиқ Давлат бюджетига йўналтирилади;*

*б) агар камерал солиқ текшируви Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан берилган маълумотлар асосида ўтказилган бўлса, камерал солиқ текшируви натижасида кўп ва жуда кўп миқдорда солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари бўйича ундирилган пенялар суммаларининг 10 фоизи Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳамда 10 фоизи Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг махсус бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.*

*\*\*\*\* аукционни ташкил қилиш хизматлари учун ер қабри участкасининг сотилган нархидан 1 фоизи оператор ҳисобварағига вазирликка тақсимланган маблағни камайтириш ҳисобига ўтказилади.*

*\*\*\*\*\* а) ҳудуди 10 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектлари (бундан мазкур изоҳнинг “б” кичик банди мустасно), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари қарорлари асосида сотиладиган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушадиган маблағлар:*

*90 фоизи — тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ҳамда объект жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига тенг улушларда;*

*10 фоизи — Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига;*

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ–3824-сонли қарори билан тасдиқланган Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларининг намунавий ташкилий тузилмасининг изоҳ қисмидаги “20 — 25” сўзлари “30 — 35” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3856-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети қўшимча манбаларидан ажратиладиган маблағлар”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3897-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети қўшимча манбаларидан ажратиладиган маблағлар”.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Мақтабгача ва мактаб таълими тизимиغا бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3931-сон қарорида:

а) 4-банд “б” кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили 250 миллиард сўм миқдорида ажратиладиган маблағлар”;

б) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4318-сон қарорида:

а) 3-банддаги “Молия” сўзи “Иқтисодиёт ва молия” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

“Молия вазирлиги ва” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларини хорижий валютадаги йиллик жамланма харажатлар сметаларини рўйхатга олишда, уларнинг чет элдаги банк ҳисоб-рақамларида йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобга олинади”.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4742-сон қарорининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



“1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган, бироқ солиқ даври давомида юз миллион сўмдан ошмайдиган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмайди. Бунда солиқ даврида юз миллион сўмдан ошган даромадлар якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартиб асосида солиққа тортилади”.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5020-сон қарорининг 7-бандида:

- а) иккинчи хатбоши “йўналтирсин” сўзлари билан тўлдирилсин;
- б) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари талабномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман (шаҳар) бюджетларида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига маблағ ажратиш юзасидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларига ҳар чорақда таклиф киритилишини таъминласин”.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–5152-сон қарорида:

- а) 3-банднинг учинчи хатбошисидаги “2025” рақами “2023” рақами билан алмаштирилсин;
- б) 4-банднинг “б” кичик бандида:
  - тўртинчи хатбошидаги “30” рақами “50” рақами билан алмаштирилсин;
  - бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
  - олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;
  - бешинчи хатбошидаги “35” рақами “50” рақами билан алмаштирилсин;
- в) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 19 июндаги ПҚ–5152-сон қарорига

3-илова

2022 – 2023 йилларда кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини  
ободонлаштириш бўйича режа кўрсаткичлари

Т/р	Худудлар номи	Маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағ* (млн сўм)	Шу жумладан иш турлари бўйича									
			Болалар майдончаларини қуриш ва таъмирлаш		Ирригация тармоқларини таъмирлаш		Йўлакларни бетонлаш		Ташқи ёритиш тизимини таъмирлаш ва янгисига алмаштириш		Умумфойдаланишдаги ҳожатхоналарни қуриш	
			сони (дона)	талаб этиладиган маблағ** (млн сўм)	узунлиги (п/м)	талаб этиладиган маблағ** (млн сўм)	майdonи (минг кв.м)	талаб этиладиган маблағ** (млн сўм)	сони (дона)	талаб этиладиган маблағ** (млн сўм)	сони (дона)	талаб этиладиган маблағ** (млн сўм)
	<b>Жами</b>	<b>175 542</b>	<b>905</b>	<b>59 042</b>	<b>83 908</b>	<b>17 006</b>	<b>554</b>	<b>64 870</b>	<b>7 196</b>	<b>12 352</b>	<b>382</b>	<b>22 284</b>
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	9 094	32	2 276	0	0	12	1 378	528	2 634	32	2 808
2.	Андижон вилояти	9 666	32	1 860	3 786	3 028	24	3 012	398	996	22	770
3.	Бухоро вилояти	5 682	24	1 182	6 514	1 090	22	3 002	308	410	0	0
4.	Жиззах вилояти	25 928	188	9 330	5 416	824	78	8 910	1462	1 066	116	5 800
5.	Қашқадарё вилояти	17 550	64	7 560	2 396	590	36	3 966	486	2 674	34	2 760
6.	Навоий вилояти	6 582	34	2 004	4 632	492	20	2 780	116	312	18	994
7.	Наманган вилояти	5 314	38	2 660	630	126	38	2 280	310	248	0	0
8.	Самарқанд вилояти	4 204	28	2 030	4 156	832	16	778	88	24	12	540
9.	Сурхондарё вилояти	7 236	44	1 720	6 944	626	16	2 094	364	728	34	2 070
10.	Сирдарё вилояти	12 234	60	3 564	546	316	52	4 090	678	436	62	3 830
11.	Тошкент вилояти	32 852	158	10 692	24 186	4 140	118	15 988	1206	782	22	1 250
12.	Фарғона вилояти	32 728	142	9 870	24 186	4 838	118	15 988	1206	782	26	1 250
13.	Хоразм вилояти	6 472	61	4 294	516	104	4	604	86	1 260	4	212
<i>Шу жумладан йиллар бўйича:</i>												
	<b>2022 йил</b>	<b>87 771</b>	<b>451</b>	<b>29 520</b>	<b>41 953</b>	<b>8 499</b>	<b>276</b>	<b>32 435</b>	<b>3 597</b>	<b>6 175</b>	<b>191</b>	<b>11 141</b>
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	4 547	16	1 138			6	689	264	1 317	16	1 404
2.	Андижон вилояти	4 833	16	930	1 893	1 514	12	1 506	199	498	11	385
3.	Бухоро вилояти	2 841	12	591	3 257	545	11	1 501	154	205		



4.	Жиззах вилояти	12 964	94	4 665	2 708	412	39	4 455	711	533	58	2 900
5.	Қашқадарё вилояти	8 775	32	3 780	1 198	295	18	1 983	243	1 337	17	1 380
6.	Навоий вилояти	3 291	17	1 002	2 316	246	10	1 390	58	156	9	497
7.	Наманган вилояти	2 657	19	1 330	315	63	19	1 140	155	124		
8.	Самарқанд вилояти	2 102	14	1 015	2 078	416	8	389	44	12	6	270
9.	Сурхондарё вилояти	3 618	22	860	3 472	313	8	1 047	182	364	17	1 035
10.	Сирдарё вилояти	6 117	30	1 782	273	158	26	2 045	339	218	31	1 915
11.	Тошкент вилояти	16 426	79	5 346	12 093	2 070	59	7 994	603	391	11	625
12.	Фарғона вилояти	16 364	71	4 935	12 093	2 419	59	7 994	603	391	13	625
13.	Хоразм вилояти	3 236	31	2 147	258	52	2	302	43	630	2	106
	<b>2023 йил</b>	<b>87 771</b>	<b>450</b>	<b>29 520</b>	<b>41 953</b>	<b>8 499</b>	<b>276</b>	<b>32 435</b>	<b>3 597</b>	<b>6 175</b>	<b>191</b>	<b>11 141</b>
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	4 547	16	1 138			6	689	264	1 317	16	1 404
2.	Андижон вилояти	4 833	16	930	1 893	1 514	12	1 506	199	498	11	385
3.	Бухоро вилояти	2 841	12	591	3 257	545	11	1 501	154	205	0	0
4.	Жиззах вилояти	12 964	94	4 665	2 708	412	39	4 455	711	533	58	2 900
5.	Қашқадарё вилояти	8 775	32	3 780	1 198	295	18	1 983	243	1 337	17	1 380
6.	Навоий вилояти	3 291	17	1 002	2 316	246	10	1 390	58	156	9	497
7.	Наманган вилояти	2 657	19	1 330	315	63	19	1 140	155	124		
8.	Самарқанд вилояти	2 102	14	1 015	2 078	416	8	389	44	12	6	270
9.	Сурхондарё вилояти	3 618	22	860	3 472	313	8	1 047	182	364	17	1 035
10.	Сирдарё вилояти	6 117	30	1 782	273	158	26	2 045	339	218	31	1 915
11.	Тошкент вилояти	16 426	79	5 346	12 093	2 070	59	7 994	603	391	11	625
12.	Фарғона вилояти	16 364	71	4 935	12 093	2 419	59	7 994	603	391	13	625
13.	Хоразм вилояти	3 236	30	2 147	258	52	2	302	43	630	2	106

\* Маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари, Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасига ажратилади.

\*\* Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида аниқлик киритилиши мумкин”.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5216-сон қарорининг 4-бандида:

а) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги учун ажратилган маблағлар таркибида алоҳида сатрда маблағлар режалаштирилади”;

б) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2024 йилдан бошлаб етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳисоблаш учун уй-жойларнинг бир квадрат метрининг энг юқори нархи Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Статистика агентлиги томонидан ҳудудлар кесимида белгиланади”;

в) тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда, таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, “Меҳр дафтари” жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан қопланади”.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–73-сон қарори 22-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2024 йил 1 январдан бошлаб Солиқ қўмитаси “Солиқ маълумотларини қайта ишлаш маркази” давлат унитар корхонасини Солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин”.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–92-сон қарорининг 22-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт



вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг талабномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, шунингдек, туман (шаҳар) бюджетларида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига маблағ ажратиш юзасидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) Кенгашларига ҳар чорақда таклиф киритилишини таъминласин”.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–128-сон қарори 13-бандининг олтинчи хатбошисидаги “январдан” сўзи “апрелдан” сўзи билан алмаштирилсин.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–241-сон қарори 12-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2030 йил 1 январга қадар мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг (вазирлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан ташқари) бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланади”.

**16.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–405-сон қарорига 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

**2023 – 2026 йилларда Кадастр агентлиги органлари ва ташкилотларини ўлчаш воситалари, замонавий компьютер техникаси, дастурий таъминот ва мебель билан таъминлашнинг**

**АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Режалаш- тирилган сумма*** (млрд сўм)	Шу жумладан, йиллар бўйича				Молиялаштириш манбаи
					2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
1.	Доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станциялари (GNSS станциялар)	комплект	80	<b>71,20</b>	-	40,00	-	31,20	Давлат бюджети
2.	Электрон тахеометр	комплект	252	<b>38,87</b>	9,30	-	14,57	15,00	
3.	GPS приёмниклар, жумладан: 1) база+ровер; 2) ровер.	комплект	263	<b>31,50</b>	10,00	-	11,50	10,00	
			231	<b>7,10</b>	2,40	-	2,40	2,30	
4.	GPS (ерларни ўлчаш учун)	комплект	100	<b>7,00</b>	3,00*	2,00**	2,00*	-	Давлат бюджети, Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари
5.	Трасса қидиргичлар	комплект	20	<b>0,75</b>	0,39*	-	-	0,36*	Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда тизим ташкilotларининг маблағлари
6.	Компьютер	комплект	1032	<b>13,60</b>	2,50	4,10	3,50	3,50	Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда тизим ташкilotларининг маблағлари
7.	Плоттер	дона	9	<b>0,45</b>	0,25	0,20	-	-	
8.	Махсус автотранспорт воситаси	дона	41	<b>10,90</b>	5,00	5,90	-	-	
9.	Тошкент геодезия ва картография коллежи моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан: 1) ўлчаш воситалари ва техника билан жиҳозлаш;	комплект	69	<b>1,20</b>	-	-	-	-	Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари
			2011	<b>3,00</b>	3,00	-	-	-	



	2) мебель билан жиҳозлаш.								жамғармаси маблағлари
10.	1) B1 (70x100) форматдаги офсет чоп этиш ускунаси;	комплект	1	12,70	-	-	-	12,70	Давлат бюджети
	2) рулондаги қоғозларни керакли форматда кесиб берувчи ускуна;		1	1,30	1,30	-	-	-	Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда тизим ташкilotларининг маблағлари
	3) юқори тезликда қоғоз кесувчи ускуна;		1	1,50	1,50	-	-	-	
	4) қоғоз варақларини блокларга йиғиб берувчи ускуна		1	0,80	-	0,80	-	-	
11.	Lidar-сканерли гибрид аэросуратга олиш тизими	комплект	1	14,90	-	-	14,90	-	Давлат бюджети
12.	Рақамли картография-геодезия архиви геофондини яратиш учун катта ҳажмдаги электрон материалларни (маълумотларни) сақлайдиган сервер қурилмаси	комплект	1	8,50	8,50	-	-	-	Давлат бюджети
13.	Дастурий таъминот (Фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни йиғиш, ҳисобга олиш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва реал вақт режимида хизмат кўрсатишга мўлжалланган "Ягона давлат геофазовий маълумотлар фонди" дастурий таъминоти ("Геофонд" АТ)	дона	1	5,00	-	-	-	5,00	Давлат бюджети
14.	A0 форматли планшет сканер, китоб ва альбомлар учун A3 форматли махсус сканер	дона	4	1,50	-	1,50	-	-	Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда тизим ташкilotларининг маблағлари
15.	Мебель	комплект	10	0,10	-	0,10	-	-	
16.	Картографик материалларни сақлаш учун стеллаж	дона	100	0,23	-	0,23	-	-	
17.	Дастурий таъминот (топографик суратга олиш маълумотларини қайта ишлаш)	дона	16	0,64	0,40	0,24	-	-	
18.	Дастурий таъминот (GPS ўлчаш маълумотларини қайта ишлаш)	дона	8	0,92	0,50	0,42	-	-	

19.	Комплекс геоахборот дастурий таъминоти (корпоратив жойлаштириш, маълумотларни бошқариш, визуализация, фазовий таҳлил қилиш, ГАТ — сервер)	дона	1	<b>1,00</b>	1,00**	-	-	-	Давлат бюджети, Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда тизим ташкилотларининг маблағлари
20.	ГАТ дастурий таъминоти (ГАТ маълумотларини таҳрир қилишнинг тўлиқ имкониятларидан фойдаланиш, кўп фойдаланиладиган корпоратив геомаълумотлар базасини таҳрир қилиш, майдонда ажратилган таҳрир қилишдан фойдаланиш, маълумотларни, суратларни сақлаш, сифат назоратини автоматлаштириш, сканерланган хариталардан фазовий маълумотларни яратиш ва бошқа имкониятларга эга платформа)	дона	18	<b>2,90</b>	-	-	1,40**	1,50*	
21.	ГАТ ва масофадан зондлаш дастурий таъминоти (ҳаракатдаги тасвир хизматлари, растр таҳлили, ортофотоплан, расм хостинги, растр маълумотларига тезкор кириш, иш оқимлари вазифаларини бошқариш ва бошқа функциялар)	дона	1	<b>0,38</b>	0,38**	-	-	-	
22.	ГАТ платформаси (рақамли хариталар ва шаҳар режаларини яратиш ва таҳрир қилиш, масофавий зондлаш маълумотларини қайта ишлаш, турли ўлчашлар ва ҳисоб-китобларни бажариш, қоплама операциялари, 3D моделларни яратиш, растр маълумотларини қайта ишлаш, рақамли ва босма шаклда график ҳужжатларни тайёрлаш воситаларига эга универсал геоахборот тизими)	дона	103	<b>3,00</b>	1,26*	-	0,87**	0,87*	
23.	Рақамли фотограмметрик тизим (ҳар хил турдаги тасвир тизимларини қўллаб-қувватлаш, бошқа фотограмметрик ва геоахборот тизимлари билан мосликни таъминлайдиган кенг доирадаги алмашинув форматлари, кўп сонли координаталар тизимларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ўз координаталар тизимини ўрнатиш имконияти, технологик жараённинг барча босқичларида сифат назорати, стерео қўзатишнинг турли усуллари, турли хил киритиш воситаларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа функциялар)	дона	39	<b>6,10</b>	3,00*	3,10**	-	-	Давлат бюджети, Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда тизим ташкилотларининг маблағлари



24.	Дрон Matrice 600 (теповизион камера + LiDar)	комплект	1	<b>2,40</b>	2,40	-	-	-	Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда “Геоинновация маркази” ДУКнинг маблағлари
25.	Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармаларига берилган дронлар паркини янгилаш учун учувчисиз учиш аппаратлари	дона	42	<b>4,30</b>	2,10	1,10	1,10	-	Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда тизим ташкилотларининг маблағлари
26.	Геодезик ўлчаш воситаларини таъмирлаш ва калибрлаш лабораториясини ташкил этиш	комплект	1	<b>9,00</b>	5,20	3,80	-	-	
27.	Планшет	дона	1090	<b>8,00</b>	8,00	-	-	-	Давлат бюджети
28.	Рация	дона	1090	<b>1,00</b>	1,00	-	-	-	
29.	Боди камера	дона	1090	<b>3,00</b>	3,00	-	-	-	
	<b>Жами:</b>			<b>274,74</b>	<b>76,58</b>	<b>63,49</b>	<b>52,24</b>	<b>82,43</b>	
	Шундан, бюджет маблағлари			<b>214,15</b>	<b>49,85</b>	<b>40,00</b>	<b>45,37</b>	<b>78,93</b>	
	Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳамда тизим ташкилотларининг маблағлари			<b>60,59</b>	<b>26,73</b>	<b>23,49</b>	<b>6,87</b>	<b>3,50</b>	

\* Кадастр агентлиги органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

\*\* Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ва тизим ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

\*\*\* Яқуний нарх кўрсаткичлари лойиҳа-смета ҳужжатлари, товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб бериш бўйича белгиланган тартибда ўтказиладиган тендер (танлов) натижалари асосида батафсил белгиланади.

Изоҳ:

Кадастр агентлиги томонидан 2023 – 2026 йилларда Кадастр агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларни ўлчаш воситалари, замонавий компьютер техникаси, ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий таъминот ва мебель билан таъминлашнинг асосий кўрсаткичларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

Кадастр агентлигининг тизимидаги ташкилотларга уларнинг маблағлари ҳисобидан белгиланган ўлчаш воситалари, замонавий компьютер техникаси, дастурий таъминот ва мебеллар харид қилиш ушбу ташкилотларнинг молиявий имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилади”.



**17.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 ноябрдаги “Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–427-сон қарорида:

а) 3-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари таклифига кўра Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ва туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча манбаларидан ажратиладиган маблағлар”;

б) 4-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси талабномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, шунингдек, туман (шаҳар) бюджетларида шакланган қўшимча манбалар ҳисобидан Жамғармага маблағ ажратиш юзасидан тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) Кенгашларига ҳар чорақда таклиф киритилишини таъминлайди”.

**18.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 ноябрдаги “Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–430-сон қарори 2-бандининг биринчи хатбошисидаги “2024” рақами “2026” рақами билан алмаштирилсин.

**19.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 декабрдаги “Электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–443-сон қарорининг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналар томонидан автотранспорт воситаларини бириктириш меъёрлари доирасида электромобиллар ва гибрид автомобилларни 1-иловага мувофиқ харид қилишга рухсат берилади.

Бунда, мазкур харидлар давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан сотиб олинган автотранспорт воситасининг энг юқори нархи бўйича ўрнатилган чекловлар ҳамда уларнинг янгисига алмаштириш даври талабига мувофиқ амалга оширилиши шарт”.

**20.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–114-сон қарори 9-банднинг “б” кичик банди чиқариб ташлансин.

**21.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–171-сон қарорида:

а) 8-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

“транспорт воситаларини “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимида расмийлаштирадиган жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган утилизация йиғимининг 3 фоизи Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади”;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2024 йил 1 июлдан бошлаб пневматик резина шиналар ва покришкалар учун утилизация йиғимининг 10 фоизи Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади”;

б) 5-илова 29-позициясининг “Чора-тадбир номи”устунида:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ягона дастур асосида амалга ошириладиган тадбирларни ер эгаларининг ўз маблағлари ва Сирдарё вилоятининг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни назарда тутиш”;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

**22.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–238-сон қарори 13-бандининг иккинчи хатбошиси “молиялаштириш учун” сўзларидан кейин “Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан” сўзлари билан тўлдирилсин.



**23.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–300-сон қарорига 16-илованинг 21-позицияси чиқариб ташлансин.

**24.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги “Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–330-сон қарорига:

а) 8-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи – бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларида кўкаламзорлаштириш ишларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, белгилаб қўйилсинки, “Ўзйўлкўкаламзорлаштириш” давлат муассасасининг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар:

2024 йил 1 апрелга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси;

2024 йил 1 апрелдан бошлаб тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда “Ўзйўлкўкаламзорлаштириш” давлат муассасасининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин”;

б) 15-банд қўйидаги мазмундаги тўртинчи – олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорти воситалари ва тиркамаларининг автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиши ҳуқуқи учун йиғимдан тушадиган маблағлар қўйидагича тақсимланади:

90 фоизи – Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига;

10 фоизи – Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига”;

в) қарорга 1-иловада:

22-позиция чиқариб ташлансин;

43-позициянинг “Чора-тадбирлар номи” устундаги “5 фоиз миқдорида” сўзлари “(тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида) 5 фоиз миқдоригача” сўзлари билан алмаштирилсин.

**25.** Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сон қарорида:

а) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги “2024” рақами “2027” рақами билан алмаштирилсин;

б) илованинг 29-бандида:

қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Бунда, ҳомийликдан келиб тушган маблағлар тушуми ва сарфланишининг ҳисоби алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларида юритилади.

Вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан ҳомийлик маблағларини қабул қилиш, улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якуни билан уларнинг расмий веб-саҳифаларида эълон қилиб борилади”;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**26.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 250-сон қарорида:

а) 1-илованинг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги 3-банд билан тўлдирилсин:

“3. Вазирликлар ҳузуридаги қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар марказий аппарати юридик хизмат ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари тегишлича вазирлик марказий аппарати юридик хизмат ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларидан бир поғона паст миқдорда қўлланилади”;

б) 4-иловада:



1-позициянинг “Белгиланган штатлар миқдори” устунидаги “8” рақами “20” рақами билан алмаштирилсин;

2-позициянинг “Белгиланган штатлар миқдори” устунидаги “5 – 7” сўзлари “7 ва ундан ортиқ” сўзлари билан алмаштирилсин.

**27.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги “Сув хўжалиги объектлари бўйларида ихота ва дарахтзорлар барпо этиш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1004-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ва” сўзлари чиқариб ташлансин.

**28.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошисидаги “2023” рақами “2026” рақами билан алмаштирилсин.

**29.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июндаги “Суғориладиган ерларни шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорлари барпо этиш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сон қарори 4-бандининг бешинчи хатбошисидаги “республика бюджети” сўзлари “ер эгаларининг ўз” сўзлари билан алмаштирилсин.

**30.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 811-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 2-бандида:

а) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида қўшимча ундирилган суммалар бўйича (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказиладиган маблағлардан ташқари) пенялар ҳамда солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган молиявий жазо чоралари суммаларининг 20 фоизи”;

б) учинчи хатбошидаги “40” рақами “20” рақами билан алмаштирилсин.

**31.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 59-банди “б” кичик банди учинчи хатбошисидаги “25” рақами “15” рақами билан алмаштирилсин.

**32.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 апрелдаги “Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 260-сон қарори 6-банди “е” кичик бандининг биринчи хатбошисидаги “ЛИБОР” қисқартмаси “SOFR” қисқартмаси билан алмаштирилсин.

**33.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 июндаги “Ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини жорий этиш тўғрисида”ги 347-сон қарорида:

а) қарор номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Айрим турдаги товарлар учун утилизация йиғимини жорий этиш тўғрисида”;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. 2020 йил 1 августдан бошлаб, утилизация йиғими миқдорлари ва утилизация йиғими тўланадиган ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамаларининг турлари ва тоифалари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2024 йил 1 июлдан бошлаб утилизация йиғими тўланадиган пневматик резина шиналар ва покришкаларнинг рўйхати ва утилизация йиғими миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

в) илова 1-илова деб ҳисоблансин;

г) қуйидаги мазмундаги 2-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 2 июндаги 347-сон қарорига  
2-илова

**Утилизация йиғими тўланадиган пневматик резина шиналар ва покришкаларнинг рўйхати ва утилизация йиғими миқдорлари**

Товарларнинг номи	ТИФ ТН коди	Товарларнинг вазнидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир килограмми учун
-------------------	-------------	--



		утилизация йиғими миқдорлари (БҲМга нисбатан фоизда)
Янги шиналар ва пневматик покришкалар резинадан	4011 10 000, 4011 20, 4011 90 000 0	0,3
Қайта тикланган ёки ишлатилган пневматик резина шиналар ва покришкалар; қаттиқ ёки ярим пневматик шиналар ва покришкалар, резинали шиналар ва ўрама ленталари.	4012 11 000 0, 4012 12 000 0, 4012 20 000 9, 4012 90 200 0	

**34.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарори билан тасдиқланган Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомнинг 58-банди ўн учинчи хатбошисидаги “Ижтимоий соҳани ривожлантириш давлат дастурлари, концепциялари ва схемаларининг” сўзлари “Бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан амалга ошириладиган қуриш-таъмирлаш ишлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар, концепциялар ва схемаларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин.

**35.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 54-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“54. Солиқ органлари томонидан ўтказилган камерал солиқ текшируви натижасида қўшимча ўндирилган суммалар бўйича пенялар ҳамда солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган молиявий жазо чоралари, тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланилган жарималар суммаларининг 80 фоизи давлат бюджетига, 20 фоизи Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига йўналтирилади.

Агар камерал солиқ текшируви Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан берилган маълумотлар асосида ўтказилган бўлса, камерал солиқ текшируви натижасида кўп ва жуда кўп миқдорда солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари бўйича қўшимча ўндирилган суммалар бўйича пенялар ҳамда солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган молиявий жазо чоралари, тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланилган жарималар суммаларининг 10 фоизи Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳамда 10 фоизи Департаментнинг махсус бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

Бунда, солиқ текширувлари натижасида аниқланган ва ўз вақтида бюджетга ўтказилмаган солиқлар тўлиқ давлат бюджетга йўналтирилади.

Содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ва ундирилган маблағларни тақсимлаш тартиби Солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан келишган ҳолда тасдиқланади”.

**36.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 321-сонли қарори билан тасдиқланган Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати тўғрисидаги низомнинг 17-банди учинчи хатбошиси “бўйича разрядлари ва” сўзларидан кейин “Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг” сўзлари билан тўлдирилсин.

**37.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 июндаги 358-сон қарори билан тасдиқланган Ўлдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 10<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“10<sup>1</sup>. Илгари “эркин муомалага чиқариш” божхона режимида жойлаштирилган транспорт воситалари учун тўланган утилизация йиғимини тўловчига қайтариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

утилизация йиғимини ҳисоблашда ортиқча тўланганлик факти аниқланганда;

божхона ҳудудига олиб кирилган товарга нисбатан утилизация йиғимини тўлаш бўйича имтиёз тикланган бўлса;

“реэкспорт” божхона режимида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилган бўлса”.

**38.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги 46-сон қарори билан тасдиқланган Қурилиш соҳасида пудрат ташкилотларини белгилаш бўйича электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35-бандида:

қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда мазкур 5 фоиз чегирмани қўллаш амалиёти “Ташаббусли бюджет” жараёнида ғолиб деб топилган лойиҳаларга татбиқ этилмайди”;

ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар тегишинча ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**39.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарорида:



а) 6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ҳар чорақда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман (шаҳар) бюджетларида шакланган қўшимча манбалар ҳисобидан “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари харажатларини молиялаштиришга етарли бўлган миқдорда “Аёллар дафтари” жамғармасига маблағ йўналтириш юзасидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) Кенгашларига таклиф киритилишини таъминласин”;

б) 2-илова 4-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) Кенгашлари қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман (шаҳар) бюджетлари қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорақда ажратиладиган маблағлар”.

**40.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 апрелдаги 206-сонли қарори билан тасдиқланган Бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан капитал қўйилмаларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-банди тўртинчи хатбошисидаги “2023” рақами “2024” рақами билан алмаштирилсин.

**41.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 21-банди биринчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

**42.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сон қарориди:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорақда ажратиладиган маблағлар”;

б) 1-иловада:

**4-бандда:**

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорақда ажратиладиган маблағлар”;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишлича Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари қарорларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорақда ажратиладиган маблағларни, биринчи навбатда, тегишли ҳудуднинг қўшимча манбалари нисбатан кам миқдорда шакланган туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаларига ўтказиб бориш юзасидан таклифларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига киритиб борсин”;

5-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашлари қарорига асосан туман (шаҳар) бюджетлари қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорақда ажратиладиган маблағлар”.

**43.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 июндаги 326-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш ва давлат молиявий назорати органлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш тартиби тўғрисида низомнинг 13-банди иккинчи хатбошиси “Бунда,” сўзидан кейин “энг кўп марта танланган назорат объектларида танлашлар сони бир хил бўлганда, уларнинг барчасида назорат тадбирлари ўтказилади ҳамда” сўзлари билан тўлдирилсин.

**44.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида намунавий низомда:

**а) 2-бандда:**

иккинчи хатбошидаги “маблағлари тақсимловчилари ва улар тизимидаги бюджет ташкилотлари ҳамда” сўзлари “маблағларини тақсимловчилар ва” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



“ички аудит объекти – ички аудит тадбири амалга оширилиши назарда тутилган вазирлик ва идораларнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари, тизим ташкилотлари ҳамда тасарруфидаги бюджет ташкилотлари”;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Ички аудит хизмати вазирлик ва идораларнинг асосий фаолияти натижаларига жавобгар ҳисобланмайди ҳамда уларга асосий фаолият йўналишидан ташқари қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқа функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди”;

в) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Вазирлик ва идоралар томонидан ички аудит хизмати тўғрисидаги низом ушбу низомга мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда ички аудит тадбирлари ички аудитнинг миллий стандартлари ва ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси асосида ўтказилади”;

г) 20-банддаги “январдан” сўзи “апрелдан” сўзи билан алмаштирилсин.

**45.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикаси бўйлаб амалга оширилган ички саёҳатлар харажатларининг бир қисмини қайтариб бериш тизимини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 484-сон қарори 3-бандининг “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва 2024 йилдан бошлаб ҳар йили саёҳат харажатларини қайтаришнинг навбатдаги босқичларини молиялаштириш учун Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилиши назарда тутилади”.

**46.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизматлари ходимлари малакасини сертификатлаш тартиби тўғрисида низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошисидан “улар тизимидаги бюджет ташкилотлари ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 10-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“сертификатлаш жараёнидаги, шунингдек, имтиҳон комиссияси ва апелляция комиссияси фаолиятида юзага келадиган масалалар ҳамда ўзаро номувофиқ ҳолатларни кўриб чиқади”;

в) 11-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тест саволлари йўналишлари бўйича мавзуларни, адабиётлар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини, тест саволларини (жавоб вариантларисиз) ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради”;

г) 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Талабгор Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларининг ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган чет давлатлар олий таълим ташкилотларининг олий маълумотга эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши лозим”;

д) 25-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

е) 30-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“мазкур Низомнинг 23-банди талабларига жавоб бермаганда”;

ж) 42-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тест синови Аудиторлар палатаси томонидан тасдиқланган 100 та саволдан иборат бўлади”.

**47.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида низомда:

а) 9-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, баҳолаш баҳоловчи ташкилот раҳбарининг қарори асосида амалга оширилади”;

б) 13-банднинг бешинчи хатбошисида “тизимдаги” сўздан кейин “хавф даражаси юқори бўлган” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) Низомга 3-илова номидаги “хизмати” сўзи “объекти” сўзи билан алмаштирилсин.

**48.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 500-сон қарорида:

а) 1-илова 41-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Инспекция марказий аппарати фаолияти Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари фаолияти тегишинча



Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади”;

б) 3-илова 2-бандининг “а” кичик бандида:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“лавозим маоши”;

иккинчи – олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим  
қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–2647-сон қарорининг 1-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3955-сон қарори 1-бандининг “г” кичик банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4486-сон қарорининг 6-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4653-сон қарорига 10-илованинг 7-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низом 15-бандининг “б” кичик банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 февралдаги “Тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни импорт қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги 49-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги “Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 132-сон қарори.



8. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тайёр дори воситалари ва тиббиёт буюмларини импорт қилишни тартибга солиш билан боғлиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 752-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июндаги “Суғориладиган ерларни шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорлари барпо этиш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сон қарорининг 1 ва 4-бандлари ҳамда иловаси.

*Изоҳ: 1 ва 6–8 бандлар 2024 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилади.*

